



Орзулари ушалди



Кўнгил ободлигига ҳеч нарса етмайди. Мир Алишер Навоий бобомиз:

“Қимки бир кўнгли бузғунинг хотирин шод айлагай, Онча борқим Каъба вайрон бўлса, обод айлагай”.

дея бежиз таъкидламаган. Дарҳақиқат, киши қалбига қувонч олиб кириш нақадар улуғ юмуш. Мамлакатимизда халқимизнинг диний ибодатларни эмин-эркин бажаришига кенг шарт-шароит яратиб берилаётгани ҳам айтиш шубҳасиз.

Мўмин-мусулмон, пок ниятли юртдошларимизда Ислоннинг улуғ амалларидан бўлган муборак умра зиёратини адо этишга талпиниш ниҳоятда кучли. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда юртимиздан зиёратга бораётганлар сони бир неча баробар ошди. Албатта, бундан ватандошларимизнинг қувончи чексиз.

Таъкидлаш жоиз, муборак зиёратни бажаришга ҳаммининг ҳам иқтисодий қурби етмайди. Умри давомида бир марта бўлса-да муқаддас шаҳарларга боришни орзу қилиб яшайдиганлар қанча.

Президентимиз Шавкат

Мирзиёев жорий йил 17 февраль куни Бухоро шаҳридаги “Мир Араб” мадрасасига ташрифи чоғида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаровнинг умра сафарига боришга имконияти етмайдиган эҳтиёжманд, кам таъминланган фуқароларни давлат томонидан муборак зиёратга жўнатиш бўйича илтимосини маъқуллаган эди. Ушанда давлатимиз раҳбари: “Адолатли танлов қилиб берсангиз, хоҳлаганингизча ёрдам бераман. Ҳақиқий кам таъминланганлар истаги, албатта, ижобат бўлади. Уларнинг рўйхатини шакллантириб беринг”, дея таъкидлаганди. Ушбу хайрли иш қисқа муддатда амалга оша бошлади. Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан умра зиёратига боришни кўнглига туккан, аммо маблағ масаласида чорасиз бўлган қарийб бир ярим минг нафар юртдошимиз муқаддас зиёратни адо этиш учун жўнаб кетишди.

— Муборак Рамазон ойи шукуҳи кезиб юрган шу чоғларда ажиб бир хурсандчиликка гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров. — Президентимизнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли кам таъминланган, бутун ҳаётини меҳнатга

сарфлаган, аммо топганини бола-чақаси рўзғоридан орттиролмаган бир гуруҳ отахону онахонларимизни умра сафарига кузатдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Рамазондаги умра (нинг ажри) ҳажга ёки мен билан қилинган ҳаж (нинг ажри)га тенг келади”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Термизий ривояти). Ушбу зиёратчилар қандай бахтли инсонлар! Кўп-кўп мусулмон ўлкаларини кузатдиган бўлсак, ҳеч қайсисида давлат раҳбари Рамазон ойини ўтказиш ҳақида ҳужжат имзоламайди. Шунингдек, кам таъминланган, эҳтиёжмандларни умра зиёратига юбориш аънаси ҳам бошқа мусулмон мамлакатларида учрамайди. Шу маънода мазкур хайрли тадбирни тарихий воқеа десак, адашмаймиз. Кейинги йилларда юртимизда инсон қадрини улуғлаш олға сурилаётган энг юксак ғояга айланди. Албатта, бутун умрини меҳнат билан ўтказган зиёратчиларимизнинг муқаддас Каъба олдида қиладиган дуолари мустаҷоб бўлади, иншоаллоҳ. Расулulloҳ алайҳиссалом бир кишига яхшилик қилинса, у яхшилик бўлиб қайтиши ҳақида таълим берганлар. Бундай савобли амаллар юртимизга файз, барака олиб келади.

3-бетда

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 16 март. Раҳматуллоҳ Сайфуддинов Тошкент шаҳридаги “Минор” жоме масжиди имом-хатиби вази-фасига, Абдуқаҳҳор Юнусов Тошкент шаҳри бош имом-хатиби вази-фасидан ажралмаган ҳолда Кўкча даҳасидаги “Шайх Зайниддин” жоме масжиди имом-хатиби лавозимига тайинланди.

✓ 16 март. Тошкент туманидаги “Ҳазрати Билол” жоме масжиди янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

✓ 17 март. “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкилотчилигида ҳомийлар ёрдами билан Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Шодлик” маҳалласидаги уйсиз қолган оилага 5 хонали уй қалити топширилди.

✓ 18 март. Бекобод шаҳридаги Буюк Ипак йўли ва Ал-Хоразмий кўчалари кесишмасида “Нўмон ибн Собит” жоме масжидининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

✓ 18 март. Тошкент вилояти Бекобод туманидаги “Мулла Абдуғаффор ҳожи” жоме масжидининг янги биноси очилди.

✓ 20 март. Тошкент шаҳридаги “Хўтан” жоме масжидининг янги биносига илк ғишт қўйилди.

✓ 21 март. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаровнинг Рамазонга бағишланган “Рамазонни ғанимат билиб, унумли ўтказайлик” номли рисоласи муштарийларга тақдим этилди.

✓ 21 март. Сардоба сув омбори талафотидан зарар кўрган Мирзаобод туманидаги “Ҳазрати Усмон” жоме масжиди янги биноси фойдаланишга топширилди.

✓ 22 март. Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги “Исломобод” жоме масжидининг янги биноси иш бошлади.

✓ 25 март. Муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Жиззах вилоятининг чекка ҳудудларидаги кам таъминланган оилалар учун ёзилган ифторлик дастурхонида иштирок этди.

✓ 25 март. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида Имом Бухорий асарларининг маҳаллий ва хорижий қўлёзма фондларида сақланаётган 2 минг 838 та нусхаси реестри тузилди.

Абу Ҳурайра розийаллоху анхундан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ҳар бир туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) узра туғилади. Сўнг ота-онаси уни яхудий ёки насроний ёки мажусий қилади. Бу ҳудди ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туғишига ўхшайди. Сиз унда кулоқ-бурни кесилганини кўрганмисиз?”** дедилар, сўнг бу оятни ўқидилар: **“(Бу) Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир”** (Имом Бухорий ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифда нубувват нурларидан бир нур, гўзал совғалардан бири бор. Набий соллаллоху

алайҳи ва саллам саодатни истайдиган ҳар бир тарбиячи ва ҳақиқатни излаётган ҳар бир киши учун гўзал тарбиянинг аслини баён қилдилар. Инсондаги яхшилик аслийдир, ёмонлик эса оризийдир. Яъни, Аллоҳ таоло инсонни соғлом фитратда яратади. Лекин яшаб турган жамияти унинг соф фитратини ифлослантириб, хулқини ва динини бузади. Боланинг ота-онаси унинг ҳалокати ё яшнашига, бузилиши ё солиҳ бўлишига, тўғри йўлни тутиши ё тутмаслигига сабаб бўлади. Агар ҳар бир бола ўзининг фитрати ила холи кўйилса, иймон устида униб-ўсиб, яхшилик ва салоҳиятда яшайди. Лекин бузук

жамият, тўғри йўлдан озган оила (айниқса, ота-она) боланинг табиатини бузиб, ақлини ва фитратини хароб қилади. Бунинг оқибатида уни ҳидоятдан заллатга, саодатдан бахтсизликка, иймондан куфрга буриб юборади. Агар бузук жамият, адашган ота-оналар бўлмаганида, инсон ўзининг фитратига, соғлом ақидасига мувофиқ фазилатли ҳаётда яшаган бўларди.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам келтирган гўзал тамсилга эътибор қилайлик! У зот Аллоҳ таоло ҳар бир туғилган гўдакнинг шакли ва суратини чиройли қилиб, комил ҳолатда яратишини, лекин ота-оналар

унинг чиройини бузиб, гўё бурни ёки кулоғи кесилган бир қўй ҳолига келтиради. Бу ҳадиси шарифда инсон табиати ўта дақиқ тасвирлаб берилган. Демак, инсонлар барча асрлар ва замонларда соф фитрат ва яхшиликни қабул қилувчи бўлиб туғилади. Аллоҳ таоло марҳамат қилган: **“(Бу) Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир”**.

Манбалар асосида “Қўқалдош”
ўрта махсус ислом билим
юрти мударрисси
Авазбек ЖУМАБОВ тайёрлади.

Фикҳ

РАМАЗОН 2023

ЗАКОТ НИСОБИ:

35.700.000 so‘m
ва ундан ортиқ маблагга эга киши, жами маблагнинг кўндал бири (2,5%)ни ажратиб, уни закот ниятида камбағал ва фақирларга беради.

ФИТР САДАҚАСИ ВА ФИДЯ МИҚДОРИ:

БЎҒДОЙ	≈ 2 кг	12.000 сўм
АРПА	≈ 4 кг	20.000 сўм
МАЙИЗ	≈ 2 кг	100.000 сўм
ХУРМО	≈ 4 кг	180.000 сўм

Ҳар ким ўз имкониятига қараб ушбу тўрт маҳсулотнинг хоҳлаган бир туридан фитр садақаси ёки фидя миқдорини берса kifoya қилади.

Эслатма: Ушбу қийматлар Тошкент шаҳар бозорларидаги нархга асосан белгиланди. Ҳар бир вилоят ўз бозорларидаги нархга қараб фитр садақасини белгилайди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ФАТВО МАРКАЗИ
@dinlysavollar @dinlysavollar @fatvouz @fatvouz

Ислом сабоқлари

Қазога рози бўл...

Абу Бакр розийаллоху анху бундай деганлар: “Мусулмонга ҳамма нарсаси туфайли ажр ва мукофот берилади. Бошига мусибат тушганида, оёқ кийимининг боғичи узилганида, йўқотдим деб ўйлаганида, кейин хафа бўлиб хуржундан йўқотиб кўйдим деган нарсасини топиб олганида ҳам унга ажр берилади”.

Аллоҳ нақадар меҳрибон Зот. Арзимас ташвишга сабр қилганимиз учун ҳам ажр-мукофот беради. Демак, ғам ва қийинчиликларга дуч келганимизда, ҳеч иккиланмай сабр ва таваккулни маҳкам тутишимиз лозим.

Бугунги кунда ёшларимиз орасида бесабрлик, жаҳлни тиёлмаслик оғриқли масалага айланган. Салгина қийинчиликларни деб

оилаларнинг ажралиб кетиши, арзимаган сабаблар боис жанжаллашиб қолиш, мусибат етганда тушкунликка тушиб зарарли одатларга ружу қўйиш каби ҳолатларга гувоҳ бўляпмиз. Кўпчилик бунинг оқибатида катта гуноҳ содир қилаётганини билмайдилар.

Сўфи Оллоёр ҳазратлари бундай таълим беради:

Кел, э банда, ўзунгни сол Худога,
Қазога рози бўл, сабр эт балога.
Яқин бил, банда бўлса асли исминг,
Худонинг мулки бўлса жону жисминг.

Яъни: “Эй бандалигини англаган инсон, кимлигини билдингми, энди ўзингни Эгангга — Аллоҳ таолога топшир. Содир бўлаётган барча ишларга рози бўл, синовларга сабр

эт. Аниқ билки, сен “банда” деган исмда жамлангансан, бандалик бу — Аллоҳга қулликдир. Сенинг жонинг ҳам, жисминг ҳам Худонинг мулкидир. Иймони комил банда келган мусибат ва балоларни Аллоҳдан деб билади, уларни сабр ва розилик билан қабул қилиб, қуллигини изҳор этади”.

Тақдирга рози бўлган банда Аллоҳга суюклироқдир. Биз яшаб турган синовли дунёда ато ҳам, маҳрумлик ҳам бор, саломатлик ҳам, беморлик ҳам бор, омонлик ҳам, хавф ҳам бор, бирлашиш ҳам, тафриқа ҳам бор. Мана шу ҳолатларнинг барида Аллоҳ билан бирга бўлган инсон саодатлидир. У неъматларга шукр, қийинчиликларга сабр қилади. Аллоҳнинг қадарига рози бўлади. Чунки норозилик уни ўзгартира олмайди. Ана шундай кучли иймон соҳибларигина Аллоҳга яқин бўлишади!

Аъробийлардан бирининг лалми-сувсиз ери бор бўлиб, унда экин экиб, тирикчилик қилар эди. Экинлари бўй чўзган даврда офат тушиб талафот етказди. У қўллари осмонга кўтариб деди: “Эй Раббим! Нима қилсанг қилавер. Ризқимни берадиган Ўзингсан!”.

Бир бадавий аёлнинг қўйларини чақмоқ урди. Бирорта қўйи тирик қолмади. Аёл деди: “Мени қўйиб қўйларим томон ўтиб кетган мусибат ҳамд айтишга муносибдир. Эй Раббим! Сенга шукрлар бўлсин!”

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **“Бало-синовлар пайғамбарларга, кейин валийларга, сўнг уларга ўхшаганларга берилган”** (Имом Термизий ривояти).

Манбалар асосида
Орифжон НАЙИМОВ тайёрлади.

Расулуллоҳнинг тасалли беришлари*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонлар билан муомалада уларни юпатишда ва қалбларини хотиржам қилишда ҳам бизга юксак ўрнақдирлар.

Бир жангдан сўнг ансорларга ўлжа берилмай, бошқаларга тақсимлаб берилади. Бу ҳолатдан ансорлар бироз маҳзун бўлишади. Шунда у зот ансорларни юпатадиган, уларнинг қалбига чексиз хурсандчилик олиб кирадиган бу сўзларни айтган эдилар: **“Бошқалар уйларида ўлжалар билан қайтишдан хурсанд бўлса, сизлар Аллоҳнинг Расули билан қайтишга рози бўлмайсизларми? Ансорлар бир водийга ёки кўчага юзланишса, мен ҳам ўша водий ёки кўчага юзланаман”**.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Худайбия воқеасида қазо бўлган умрани адо этиш учун Маккага кирганларида Ҳамза розийаллоҳу анҳунинг қизчаси: “Эй амаки, эй амаки!” деб у зотга эргашди. Али розийаллоҳу анҳу қизчанинг кўлидан тутиб, Фотима розийаллоҳу анҳога: “Амакиннинг қизини кўтариб ол”, дедилар. Кейин ўша қизчани қарамоғига олиш учун Али, Зайд ва Жаъфар розийаллоҳу анҳум таллашиб қолишди. Али розийаллоҳу анҳу: “Унга мен ҳақлироқман, у амакиннинг қизи бўлади”, деди. Жаъфар розийаллоҳу анҳу: “Унга мен ҳақлироқман, у менинг ҳам амакиннинг қизи, хотиним эса унинг ҳоласи бўлади”, деди. Зайд розийаллоҳу анҳу: “У акамнинг қизи бўлади”, деди.

* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

Шу кунлар қадри

1-бетда

— Йигирма беш йилдан буён ободонлаштириш соҳасида оддий ишчи бўлиб ишлайман, — дейди марғилонлик Моҳира Холматова. — Умра зиёратига боришни чин дилдан хоҳлардим. Минг шукр, бугун орзуйим ушалди. Президентимиз биз каби оддий фуқароларни қўллаб-қувватлаб, улуғ зиёратга бепул боришимизга имконият яратиб берди. Бундан чексиз миннатдорман.

— Биз бу кунларни орзу қилганмиз, — дейди Абдували ота Ҳакимов. — Бунинг замирида Юртбошимиз томонидан оддий халқни ўйлаб амалга оширилаётган инсонпарварлик

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у қизни ҳоласига бериб: **“Хола онанинг ўрнидадир”**, дедилар. Али розийаллоҳу анҳуга: **“Сен мендансан, мен сенданман”**, дедилар. Жаъфар розийаллоҳу анҳуга: **“Хилқатимга ҳам, сийратимга ҳам ўхшайсан”**, дедилар. Зайд розийаллоҳу анҳуга: **“Сен бизнинг биродаримизсан, мавлоийимизсан”**, дедилар.² Шундан сўнг қизни Жаъфар розийаллоҳу анҳуга беришга ҳукм қилганларида ҳеч ким норози бўлмади.

Бошқа бир ривоятда мазкур ҳадиснинг маъносини тўлдирадиган яна бир ҳадис келтирилган.

Усома ибн Зайд отасидан ривоят қилади:

«Али, Жаъфар ва Зайд ибн Ҳориса розийаллоҳу анҳум тўпланишди. Жаъфар розийаллоҳу анҳу: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сизлардан кўра мен суюклироқман”, деди. Али розийаллоҳу анҳу: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сизлардан кўра мен суюклироқман”, деди. Зайд: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сизлардан кўра мен суюклироқман”, деди. Улар: “Юринглари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, ўзларидан сўраб кўрамиз”, дейишди. Улар келиб, изн сўрашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Чиқиб қара-чи, кимлар келибди?”** дедилар. Мен: “Жаъфар, Али ва Зайд экан”, дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Уларга руҳсат бер”**, дедилар. Улар кирган заҳоти: “Эй Аллоҳнинг Расули, сизга ким суюклироқ?” дейишди. Расулуллоҳ



соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Фотима”**, дедилар. Улар: “Эркаклардан (ким суюклироқ) демоқчи эдик”, дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эй Жаъфар, жисминг менинг жисмимга, хулқинг менинг хулқимга ўхшайди. Сен мендансан, менинг насабимдансан. Эй Али, сен куёвимсан, боламнинг (набирамнинг) отасисан. Мен сенданман, сен мендансан. Эй Зайд, сен мавлоийимсан (мавило — озод қилинган қул), қавм ичиди энг суюклисисан”**, дедилар.³

Кўриб турганингиздек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан ҳеч бирининг кўнглини қолдирмадилар, аксинча, уларнинг қалбига хурсандчилик улашдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Салмон розийаллоҳу анҳуни ҳам худди шу тарзда: **“Салмон биздандир, у аҳли байтимиздандир”**, деб мақтаганлар.⁴

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг “Икки олам сарвари” асаридан Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ таржимаси

¹ Имом Бухорий “Маноқиб” да ривоят қилган.

² Имом Бухорий “Сулҳ” китобида ривоят қилган.

³ Имом Аҳмад “Заҳоирул уқба”да шундай зикр қилган.

⁴ Имом Табароний ва Имом Ҳоким ривояти. Санади заиф.

Орзулари ушалди

сиёсати мужассам. Ҳаётимиз давомида оғир меҳнатдан бошқа нарсани кўрганимиз йўқ. Ушбу бахтга эришимиз шунинг меваси бўлди, деб ўйлайман. Илоҳим, Президентимиз умридан барака топсин, эл-юрт равнақи йўлида қилаётган эзгу ишлари янаям муваффақиятли бўлсин. Юртимизга асло кўз тегмасин.

Ҳа, чинданам чексиз шукрона айтаётган зиёратчилар ҳалол меҳнат билан кун кечириб, касбидан барака топган инсонлар. Шундай лаҳзаларда яхшиликнинг мукофоти фақат

яхшилик эканига янаям чуқур ишонч ҳосил қиласан.

Муқаддас динимизда эҳтиёжманд, қалби ўксик инсонларнинг мушуқлини осон қилиш, кўнглини кўтаришга даъват қилинади. Таъбир жоиз бўлса, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мазкур хайрли ташаббуси динимиз мезонлари ва инсонпарварлик тамойилларига мутаносибдир. Зеро, инсон улуғланган, қадрланган юртда ижобий ўзгаришлар юз беради, бу заминга қут-барака ёғилади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

Масала

Рўзага доир фатволар

557-ФАТВО

Икки ҳайит кунлари, ташриқ кунлари (Қурбон ҳайити арафасидан бошлаб 5 кун давомида) нафл рўза тутиш макруҳдир. Рамазон ҳайитидан кейин Шаввол ойида олти кун рўза тутиш мустаҳаб амаллардандир. Уни кетма-кет тутиш шарт эмас.

“Оламгирия”, “Заҳирия”

561-ФАТВО

Мусофир Рамазон рўзасини тутмас, сафардан қайтгач, қунига-кун қазосини тутиб беради. Лекин у қийналмайдиган бўлса, яна ҳамроҳлари ҳам рўзадор бўлишса, рўза тутгани афзал.

“Оламгирия”, “Заҳирия”

562-ФАТВО

Муқим киши кундузи сафарга чиқадиган бўлса, шу кунни фарз рўзани тутиши лозим. Агар рўзасини очиб юборса, каффоратсиз қазо вожиб бўлади.

“Оламгирия”, “Мухтасар”, “Қозихон”

565-ФАТВО

Бемор киши ҳалок бўлишидан ёки касали кучайиб кетишидан қўрқса, рўза тутмаслиги мумкин. Кейин қазосини тутиб беради. Ҳатто соғлом ҳолатдаги одам ҳам агар рўза тутса касал бўлиб қолишини билса, тутмаслиги жоиз.

“Оламгирия”, “Мухит”, “Мухтасар”, “Табийн”

568-ФАТВО

Шайхи фоний саналувчи эркак ва аёллар рўза тутмасдан ҳар бир кун учун бир мискин таоми миқдорида фидя тўлаб қўядилар. “Шайхи фоний” деб, кундан-кунга жисмонан заифлашиб бораётган кексаларга айтилади. Фидяни Рамазон ойининг бошида ёки охирида бериш мумкин.

“Оламгирия”, “Ҳидоя”, “ал-Баҳр”

569-ФАТВО

Касаллик ёки сафар туфайли рўза тутмай юрган киши соғаймай ёки уйга қайтмай туриб вафот этиб қолса, зиммасидан қазо соқит бўлади. Аммо касал соғайгандан кейин ёки мусофир уйига қайтгандан кейин қазо қилган рўза кунлари миқдорича яшаса, қазоларини тутати. Агар тутмасдан ўша миқдордаги кунларни ўтказиб юборгандан кейин ўлим тўшагида этиб қолса, фидя беришни меросхўрларига васият қилиши вожибдир. Фидя ҳар бир кун учун 2 kg. буғдой ёки 4 kg. арпа ёки уларнинг қиймати миқдоридаги пул маблағи. Агар васият қилмаган бўлса, ўзларича фидя берсалар ҳам жоиз. Аммо вожиб эмас. Фидя ўрнига бошқаларнинг рўза тутиб бериши жоиз эмас.

“Оламгирия”, “Бадое”, “Ҳидоя”, “Қозихон”

5-бетда

Мусҳаф кўчирган аллома



Нуриддин Абул Ҳасан Али ибн Султон ибн Муҳаммад Қори Ҳаравий Маккий Ҳанафий замонасининг етук олими сифатида тан олинган. “Мулла Али Қори” номи билан танилган олим дастлаб туғилиб ўсган шаҳри – Ҳиротда Куръони карим илмини ўрганди. Уни ёд олди, тажвид илмини эгаллади. Ўз даврининг етук олимларидан бўлган Муинуддин ибн Ҳофиз Зайниддин Ҳаравийга шогирд тушган. Ҳиротдаги ўша даврнинг энг машҳур шайхларидан сабоқ олган.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида пойтахт, маънавият ва

маданият ўчоғи ҳисобланган Ҳирот бу пайтга келиб маънавий инқирозга юз тутаётган эди. Сафавийлар сулоласининг илк ҳукмдори Исмоил ибн Ҳайдар Сафавийнинг зулми кучайгач, кўплаб уламолар ўз юртини

ташлаб чиқиб кета бошлади. Шулар қатори Мулла Али Қори ҳам Маккаи мукаррамага жўнади. Сафар давомида кўплаб шаҳарларда бўлиб, илмий давраalarda қатнашди, уламолар билан суҳбат қуриб, уларнинг илмидан баҳраманд бўлди.

Мулла Али Қори Маккаи мукаррамага кўним топгач, машойих ва уламоларнинг дарс ҳалқаларида иштирок этди ва илм соҳасида юксалиб борди.

Олим ўзи мансуб бўлган ҳанафий мазҳаби ҳимояси йўлида инкорчиларга қарши, Абу Ҳанифа

рахматуллоҳи алайҳ шаънини ҳимоя қилиб раддиялар ёзди. Чунончи, у “Ан-Никоя мухтасарул виқоя” номли фикҳга оид ҳанафий мазҳабидаги “Мухтасарул виқоя” китобида ёзган шарҳида барча аҳкомларни оят ва ҳадислар билан исботлаб берди.

Алломага “Қори” деб нисбат берилиши бежиз эмас. У зот қироат илмида моҳир ва пешқадам, етук олим бўлган.

Муҳаммад Муҳиббий “Хулоساتул асар фи аъёнул қорн ал-ҳадий ʼашар” номли китобида: “Мулла Али Қори фозил илм пешволаридан, ўз асрининг беназир олими, ибораларни тузатиш ва тадқиқ этишида ўта моҳир, имом, фақиҳ, муҳаддис, усул ва наҳв билимдони, муфасссир, мутакаллим, мутасаввуф, тарихчи ва адабиётшунос олим бўлган. Унинг шухрати ва донғи бутун Ислом дунёсига таралган бўлиб, унда ақлий ва нақлий билимлар мужассам эди. Суннати набавияга келсак, у бу борада етук мутахассис бўлган”, деб келтиради.

Мулла Али Қори камтарона ҳаёт кечириб, ўз меҳнати билан топилган ризқига қаноат қилган. У ҳар

йили чиройли хат билан бир нусха Мусҳафи шариф кўчириб сотган ва топган даромадини бир йиллик эҳтиёжига етказган. Мулла Али Қори таржимаи ҳолини ёзган баъзи уламолар эса унинг бир йилда иккита Мусҳаф кўчириб сотишини, бирининг пулини Ҳарамии шариф фақирларига садақа қилиши ва иккинчисиникини эса, ўз эҳтиёжи учун ишлатишини келтирганлар. Бундан ташқари, кўчирган Мусҳафларининг атрофига тафсир ҳам битган. У ёзган тафсир ҳозирда Туркияда сақланади.

Шайх Муҳаммад Абд Ҳалим Нуъмоний аллома Али Қори ҳақида бундай деган: “Али Қори китобларини сотиб топган маблағига қаноат қилиб яшарди. Одамларга кам аралашарди. Тақвosi ва ибодати кучли эди...”

Мулла Али Қори Маккаи мукаррамага ҳижрий 1014 йил, Шаввол ойида (милодий 1606 йил, март ойида) вафот этди. Маккаи мукарраманинг машҳур “Муъалло” қабристонида дафн қилинди.

Бобоҳон БОБОҲОНОВ,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти талабаси, Самарқанд шаҳар “Ҳўжа Нисбатдор” жоме масжиди имом-хатиби

Ёмонликдан қайтариш

Инсоннинг “кошки” дейдиган ҳолати унинг маънавиятига дахлдор аломатдир. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу зиммасидаги масъулият оғирлигини ҳис қилиб, шохдан-шоҳга учиб-кўниб юрган қушга ҳаваси келиб: “Кошки шундай бир қуш бўлсайдим”, деган.

Аммо у буюк зотнинг бу иши воқеа содир бўлгандан кейинги надомат эмас, шуурли бўлмоқ маъносида ва зиммасидаги масъулият жиддийлигидан андишани ҳис этиш юзасидан айтилган... Ҳўш, бизда-чи?

Ишларимизнинг аксари бизни “кошки” дейишга мажбур қилади. Баъзида эса, бирор ишни бажаришни истаб, уддалай олмаганимиз, кўп йиллар бажара олмаслигимизни тасаввур

“Кошки...” васвасага бошлайди

қилганларимиз... Ўзимизни ожиз, кучсиз ва чорасиз ҳис этганимизда “кошки” бир армонни ифода этади.

Биз фақат ўз имконимиз етдиган ишга масъул бўлганимизни билганимиз ҳолда баъзида бизга боғлиқ бўлмаган ишларнинг ҳам ҳасратини чекиб: “Кошкийди бой бўлсам ва мўл-мўл эҳсонлар қилсам” қабилида орзу-ҳаваслар қиламиз. Бундай “кошки”лардан ҳеч қандай фойда йўқ эканини биламиз. Шуни билатуриб ҳам уларга чалғиб, яхши ишларнинг вақтини ўтказиб қўямиз.

“Кошки”ларимизнинг кўпи аллақачонлар бизга боғлиқ бўлиб-бўлмаган ҳолда юз берган манбалардан, яна бироз танбаллигимиздан озиқ олади. Масалан, “Кошки, болалигимдан илм ўргансам эди, энди кеч бўлди, каллага кирмайди”, деб афсус қиламиз. Бироқ ҳазрат Абу Бакрнинг

Исломга қирқ ёшда кирганини, Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурда бир ўқувчи бўлиб, оятларни тинглаб ёд олгани ва уларга астойдил амал қилгани, шу ёшдан сўнг илми ва амали беҳад юксалиб, “Пайғамбарлардан сўнг ишончда энг комил мўмин” даражасига етганини, ҳазрат Сўфи Оллоёрнинг қирқ ёшида илм ўрганишга киришиб, уч тилда мукамал илмий асарлар ёзганини, Лев Толстойнинг етмишдан ошганда Шекспир асарларининг немисча таржимасини ўқиб кўриш учун олмон тилини ўрганганини ўйламаймиз. Уларга монелик қилмаган кексалик бизга нега монелик қилсин!

Фойдасиз “кошки”ларга иштиёқмандлигимиз боис ўзимизнинг ишимиз қолиб, бошқаларнинг ҳисоби билан машғул бўламиз. Масалан, “Кошкийди фалончи эмас, писмадончи бошлиқ бўлсайди, ўшанда ундай эмас, бундай бўларди” каби қиёслашлар қиламиз...

Энг маънисиз “кошки” асло ортга қайтариб бўлмайдиган ва биздан сўралмайдиган нарсалар устидагисидир. Ҳолбуки, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи


ва саллам бевосита ўзимизнинг ишларимизга ҳам **«Агар бошингизга бир иш келса, “Кошки бундай қилсам эди, унда шундай бўлар эди”, деманг. Аллоҳнинг тақдирини шу экан, У истаганини қилди, денг. Зеро, кошки бундай қилсам эди сўзи шайтоннинг васвасасига йўл очади»** (Имом Муслим ривояти), дея бу ишдан бизни қайтарганлар.

Демак, инсон ўз хатоси сабабли ҳис этган надомат ҳам “кошки” билан чалғишига сабаб бўла олмайди. Хатолардан ибрат олиб, уларни такрорламай, яхшиликда бардавом бўлиш керак.

«У кунда золим икки қўлини тишлаб: “Эй воҳ! Пайғамбар ила бир йўлни тутганимда эди!” дер; “Эй воҳ! Кошки фалончини дўст тутмасам эди”, дер» (Фурқон сураси, 27–28-оятлар).

Ана ўша кун нажотга етишганлар сафида бўлиш учун бугундан гуноҳу савобни, ҳалолу ҳаромни, дўсту душманни ажратиш, тақвода бўлишимиз керак. Йўқса, гуноҳимиз кўпайиб, “кошки”ларимиз фойда бермай қолади.

Дамин ЖУМАҚУЛ



Восила ибн Асқаб Лайсий

Восила ибн Асқаб Лайсий, Киноний. Куняси: Абу Шаддод. “Абул Хаттоб” деганлар ҳам бор. Ҳижратнинг 7 йили Пайғамбаримиз алайҳиссалом Табук ғазотига тайёргарлик кўраётганларида Ислонни қабул қилди. Бир ривоятда саҳобанинг Набий алайҳиссаломга уч йил ходимлик қилгани ҳамда Суффа аҳлидан бўлгани айтилади.

Имом Воқидий раҳимахуллох бундай дейди: “Восила ибн Асқаб Мадинага келди. Расулulloх солаллоху алайҳи ва салламнинг хузурларига тонгда етиб борди. Бу пайтда Набий алайҳиссалом бомдод намозини ўқиб бўлгандилар. Одатларига биноан у зот бомдод намозидан кейин саҳобаларининг юзларига диққат билан разм солардилар. Восилага яқин келганларида уни танимадилар ва: **“Сен кимсан?”** деб сўрадилар. У ўзини танитди. Кейин: **“Нима учун келдинг?”** деб сўрадилар. Восила: “Байъат бераман”, деди. Расулulloх солаллоху алайҳи ва саллам: **“Сенга ёққан ва ёқмаган нарсага (байъат берасан)ми?”** деб сўрадилар. У: “Ҳа”, деди. Набий алайҳиссалом: **“Тоқатинг етган нарсагами?”** деб сўрадилар. Восила: “Ҳа”, деб жавоб қилди.

Ўшанда Пайғамбаримиз солаллоху алайҳи ва саллам Табук ғазотига тайёргарлик кўраётган эдилар. Восила розийаллоху анхунинг улови йўқ эди. Бир вақт у: “Ким менга улов берса, унга улушимни бераман!” деб жар солишни бошлади. Каъб ибн Ужра розийаллоху анху Восилани ёнига чақирди ва: “Кечаси сени навбат билан уловимга миндираман. Улушинг менга бўлади”, деди. Восила розийаллоху анху рози бўлди. У айтади: “Аллох Каъб розийаллоху анхуни яхшилик билан мукофотласин. Навбатим келганида мени уловига миндирад, ҳатто келишилгандан кўра кўпроқ миндирадди”.

Бу ҳол Расулulloх солаллоху алайҳи ва саллам Холид ибн Валид розийаллоху анхуни Давма тул Жандалдаги Укайдир Киндийга қарши юборгунларигача давом этди. Кўшин сафида Каъб ибн Ужра билан бирга Восила розийаллоху анху ҳам бор эди. Жангда Восила розийаллоху анху еттита урғочи туя ўлжа олди. Туяларни етаклаб Каъб ибн Ужранинг оstonасига келди ва: “Чиқиб

туяларингга қара”, деди. Каъб ибн Ужра розийаллоху анху ташқарига чикди ва табассум қилган ҳолда: “Аллох таоло сенга баракот берсин. Мен сендан бирор нарса оламан деб уловга миндирмаган эдим”, деб туяларни олмади.

Барча саҳобалар қатори Восила ибн Асқабнинг ҳам Аллох ва Унинг Расулига муҳаббати чексиз эди. Ривоятларга кўра, у Суффа аҳлидан бўлиб, Набий алайҳиссаломга уч йил ходимлик қилган. Бу даврида ва ундан кейин ҳам бево-сита Набий алайҳиссалом билан юз берган воқеаларга гувоҳ бўлди. Ҳадислар ривоят қилди. Улардан баъзиларини зикр қиламиз.

Восила розийаллоху анху бундай дейди: «Расулulloх солаллоху алайҳи ва салламнинг хузурларига бир киши келди ва: “Ё Расулulloх, Аллох таолонинг ҳадига сабаб бўладиган ишни қилдим. Менга жазо қўлланг”, деди. Пайғамбар алайҳиссалом унга қарамадилар. У иккинчи бор Набий алайҳиссалом хузурларига келди. Пайғамбар алайҳиссалом унга қарамадилар. Кейин учинчи бор келиб, аввалги гапини айтди. Набий алайҳиссалом унга қарамадилар. Намозни ўқиб бўлгач, тўртинчи бор келди. Пайғамбар алайҳиссалом уни чақирдилар ва: **“Таҳоратни тўқис олиб, ҳозир намозни биз билан ўқидингми?”** деб сўрадилар. Ҳалиги одам: “Ҳа”, деб жавоб қилди. Пайғамбар алайҳиссалом: **“Кетавер, мана шу намоз сенинг каффоратингдир”**, дедилар».

Восила ибн Асқаб Набий алайҳиссаломнинг бундай деганларини ривоят қилади: **“Менга Таворот ўрнига етти сура, Забур ўрнига юзталик суралар, Инжил ўрнига икки марта такрорланувчи берилди. Ҳамда мен муфассал суралар билан афзал қилиндим”**.

Восила ибн Асқаб ривоят қилади. Расулulloх солаллоху алайҳи ва саллам: **“Тўрт одам борки, уларнинг дуоси мустажоб: одил имомнинг, биродарининг ҳаққига ғойибона дуо қилувчи кишининг, мазлумнинг ва кишининг ота-онаси ҳаққига қилган дуоси”**, дедилар.

Восила ибн Асқаб розийаллоху анхудан Абу Идрис Хавлоний, Шаддод ибн Абдуллох Абу Аммор, Буср ибн Убайдуллох, Абдулвоҳид Насрий, Маххул, Юнус ибн Майсара ибн Ҳалбас, Иброҳим ибн Абу Абла, Робиаъ ибн Язид Қосийр, Яҳё ибн Ҳорис Зимарийлар ҳадис ривоят қилишган.

Восила ибн Асқаб розийаллоху анху бундай дейди: «Али ибн Абу



Талиб розийаллоху анху уйда ёки уйда эмаслигини сўраганимда, Фотима розийаллоху анҳо: “Расулulloх солаллоху алайҳи ва саллам олиб келгани кетди”, деб жавоб берди. Пайғамбар солаллоху алайҳи ва саллам келиб, тўшакка ўтирдилар. Сўнг олдиларига Али, кейин Фотима розийаллоху анҳо кирди. Набий алайҳиссалом Фотимани ўнг томонларига, Алини чап томонларига, Ҳасан ва Ҳусайнни олдиларига ўтқиздилар. Устиларига кийимларини ташладилар ва: **“Албатта, Аллох сиздан кирни кетказиб, бутунлай поклашни хоҳлайди, эй аҳли байт!”** (Аҳзоб сураси, 33-оят). **“Ё Аллох, улар менинг аҳли байтим. Ё Аллох, аҳлим ҳаққироқдир”**, дедилар. Восила айтади: “Хонанинг бир четида тургандим. (Набий алайҳиссаломнинг сўзларини эшитиб:) “Ё Расулulloх, мен ҳам аҳлингизданманми?” деб сўрадим. У зот алайҳиссалом: **“Сен ҳам менинг аҳлимдансан”**, дедилар».

Ушбу ҳодисадан сўнг Восила розийаллоху анху: “Албатта, у (Набий алайҳиссаломнинг айтганлари) мени энг кўп умидвор қилган нарсадир”, дер эди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафотларидан кейин Восила Басрада, кейинроқ Шомда яшади. Улуғ саҳоба ҳижратнинг саксон учинчи йили, бир юз беш ёшида оламдан ўтди. Абу Маҳара айтади: “Восила ибн Асқаб ҳижратнинг саксон бешинчи йили, тўқсон саккиз ёшида оламдан ўтган”. Бир ривоятда Байтул Мақдисда, яна бир ўринда Дамашқда вафот этгани ва кўзлари ожиз бўлгани ривоят қилинади.

Аллох барчаларидан рози бўлсин.

Манбалар асосида
Юлдуз КОМИЛОВА
тайёрлади.

Масала

3-бетда

570-ФАТВО

Нафл рўзани узрсиз очиб юбориш жоиз эмас. Меҳмонга бориш, мезбон бўлиш кабилар узр ҳисобланади. Агар меҳмондорчилик қилинаётган жойда ҳеч ким ранжиб қолмайдиган бўлса, нафл рўзасини очмагани маъқул. Акс ҳолда рўзани очиб, кейин қазосини тутиб бераверади. Имом Ҳалвоний раҳматуллоҳи алайҳ сўзига кўра, кейин қазосини тутиб бера олишига кўзи етмаса, рўзасини очмайди. Бу гапларга завол вақтигача бўлсагина амал қилинади. Аммо заволдан кейин бўлса, катта узр бўлмагунича очмайди. Масалан, агар очмаса, ота-онанинг норози бўлиб қолишларига сабаб бўлса.

“Оламгирия”, “Кофий”, “Муҳит”,
“Шарҳи Виқоя”

571-ФАТВО

Рўза тутса намозни тик туриб ўқишга кучи етмайдиган одам ўтириб ўқишга мажбур бўлса, рўза тутиб, намозни ўтириб ўқийверади. Шундай қилганда ҳар икки ибодатни бажарган бўлади.

“Баззозия”

572-ФАТВО

Мусофир рўза тутмаган ҳолда уйига қайтса, то қуёш ботгунга қадар овқатланмай туриши вожиб. Шунингдек, ҳайздан кундузи пок бўлган аёл, шак кун рўза тутмай турганда рўзанинг биринчи кун экани аниқланиб қолган, эҳтиётсизлиги туфайли ёки мажбурий равишда рўзаси очилган кишилар рўзам очилди-ку, деб овқатланавермасдан ифторлик вақтигача худди рўзадорлардек ўзларини еб-ичиш ва жинсий алоқадан тийиб туришлари вожибдир.

“Оламгирия”, “Хулоса”, “Фатхул Қадир”

573-ФАТВО

Ҳайз ва нифосдаги аёллар, бемор ва мусофирлар ўзларини рўзадорлардек кўрсатиб, рўза тутмаганликларини одамлардан сир тутишлари лозим эмас.

“Оламгирия”, “Хулоса”

574-ФАТВО

Нафл рўзани тутган киши ўз ихтиёри ёки бошқа сабаб билан рўзаси очилиб кетса, қазосини тутиб бериши вожибдир. Масалан, нафл рўза тутган аёл кундузи ҳайз кўриб қолса, рўзаси очилиб кетгани учун ўша куннинг қазоси ҳам вожиб бўлади.

“Оламгирия”, “Ҳидоя”, “Ниҳоя”

7-бетда

Тарбияда танаффус бўлмайди

Тарбия, аввало, болага тўғри йўл кўрсатиш, уни доимий назорат қилиш ва хатоларини тўғрилаш билан амалга ошади. Фарзандга ғамхўрлик қилган ҳолда, таълим-тарбиясига эътибор бериш, ҳар кунлик машғулоти билан банд этиш зарур. Бу ота-оналар, мураббийлар ва устозлар зиммасидаги масъулиятдир. Бугунги кунда ёш авлодни ташқи ғаразли таъсирлар, миллатимиз ва динимизга ёт ғоялардан асрамасак, ёмон оқибатлар келтириб чиқариши ҳеч гапмас. Бунинг учун “оммавий маданият” ниқоби остида кенг тарғиб қилинаётган фитналардан огоҳ бўлмоғимиз даркор. Зеро, огоҳлик жамиятдаги маънавий инқирознинг йўлини тўсади.

Аллоҳ таоло буюради: **«Эй имон келтирганлар! Аллоҳга ва Расулига (буюрқларига) хиёнат қилмангиз ва (бир-бирингиздаги**

қўйган) омонатларингизга (ҳам) билиб туриб хиёнат қилмангиз!» (Анфол сураси, 27-оят).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **“Ҳар бирингиз мутасаддисиз, ҳар бирингиз қўл остингиздагилар учун масъулсиз. Ҳар бир раҳбар инсонлар устидан мутасаддидир ва улар учун масъулдир. Эр ўз аҳли аёли ва қўл остидегилар устидан мутасаддидир ва улар учун масъулдир. Хотин эрининг уйида мутасаддидир ва қўл остидегилар учун масъулдир”** (Имом Бухорий ривояти).

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло бизга фарзанд неъматини омонат ўлароқ берди. Биз шу омонатга хиёнат қилмасдан, Ўзи буюрганидек болаларимизга таълим-тарбия беришимиз керак. Акс ҳолда, бунинг жавобгарлиги қаттиқ бўлади.

Ю қ о р и д а г и ҳ а д и с д а

айтилганидек, биз қўл остимиздагиларга, жумладан, фарзандларимизга жавобгармиз. Ушбу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, болаларимизнинг одоб-ахлоқига, таълим-тарбиясига ҳар куни вақт ажратишимиз керак. Кўпчилигимиз уларнинг яхши еб-ичишига, кийим-кечагига, бир сўз билан айтганда, моддий тўқислигига кўпроқ эътибор қаратамиз. Одоб-ахлоқи, маънавий камолотига бепарво бўламиз.

Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асрашда миллий ва диний қадриятлар асосидаги тарбия муҳим ўрин тутати. Қолаверса, фарзандларимизни кўпроқ илмга қизиқтирсак, оқ-қорани ажратишига кўмак берган, онги заҳарланишининг олдини олган бўламиз. Зотан, диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаган, шонли тарихимиз, буюк аждодларимиз ҳаёти билан яқиндан

таниш бўлган ёшлар ҳар қандай мафкуравий хуружларни енгиб ўта олади.

Ҳасан РАСУЛОВ,

Чилонзор туманидаги
“Муҳсинхон Тўра Эшон”
жоме масжиди имом ноиби



Холис фикр

Деновнинг чекка қишлоғидан оқиб ўтувчи Қорасув канали устидаги кўприк анча йиллардан бери яроқсиз эди. Ундан ўнлаб чорва моллари ҳамда бир машина каналга кулаган. Шундан сўнг Аминбой усталарни ёллаб, кўприкни таъмирлашга киришди.

Кўприк икки ой деганда битди. Мана, ўн йилдан ошдики, кўприк одамларга беминнат хизмат кўрсатиб, узоғини яқин қилиб келмоқда. Аммо уни тузатган Аминбой эса орамизда йўқ, кўприкдан ўтган-қайтган киши борки, унинг ҳақиқа дуолар қилади.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Агар Одам бола-си вафот этса, унинг барча амаллари тўхтайди. Илло, уч амали: садақаи жория, фойда олинадиган илм ва унинг ҳаққига дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанд (туфайли номаи аъмолига савоблар битилиб туради)”** (Имом Муслим ривояти).

Кенг ва равон йўллар, мустаҳкам кўприклар курган одамлар бу дунёда ҳам, охирада ҳам савоб олаверади. Шунинг учун ҳам бобоқалонларимиз йўл ва кўприк қуришга катта эътибор қаратганлар. Жумладан, тарихчи Хондамир ёзишича, Алишер Навоий

бобомиз умри давомида 52 работ, 18 масжид, 3 мадраса, 16 кўприк, 19 ҳовуз, 9 ҳаммом ва бошқа бир қанча иморат ва иншоотлар бунёд эттирган. Ҳиротдаги “Ихлосия”, “Низомия” мадрасалари, “Халосия” хонақоҳи, “Шифоия” шифохонаси, Қуръон тиловат қилувчилар учун “Дорул ҳуфғоз” биноси, Марвдаги “Хусравия” мадрасаси, Машҳаддаги “Дорул ҳуфғоз” хайрия биноси ва бошқа ноёб меъморий ёдгорликлари шулар сирасига киради.

Халқимизнинг ушбу кўп асрлик удуми бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Юртимиз бўйлаб

мактаб, боғча, масжид, шифохона каби иморатлар жадаллик билан қурилмоқда. Бироқ ариқларни тозалаш, йўл ва кўприкларни таъмирлаш ишлари бироз эътибордан четда қолаётгандек, назаримизда. Афсуски, ариқларнинг абгор аҳволга тушганини, йўл ва кўприкларнинг таъмирталаблигини кўп кўрамыз.

Тадбиркорлар, сахий инсонлар бу хайрли ишларга бош қўшсалар, ҳам ўзларига, ҳам аҳолига катта манфаат етади.

Дилмурод СОДИҚОВ

Ибрат

Бизнинг Риштон тумани аҳли умумхалқ ҳашарларида кўчат экишга катта эътибор қаратапти. Ҳадиси шарифларда ҳам кўчат ўтқазиш садақаи жория экани таъкидланади.

Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қайси мусулмон экин экса, ундан ейилса, унга садақа бўлади. Ўғирлангани ҳам унинг учун садақадир. Йиртқичлар егани ҳам унинг учун садақадир. Қушлар егани ҳам унинг учун садақадир. Ўша экиндан бирортаси манфаат олса, унинг учун садақа бўлади”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Улуғларимиз мўмин киши ҳар қандай ҳолатда ҳам мевали, узоқ вақт ҳосил берадиган дарахтлар экишни ва парваришлашни тавсия этганлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини деҳқончилик, хусусан, кўчат экишга тарғиб қила туриб бундай деганлар: **“Агар қиёмат бўлиб қолса ва биронтангизнинг кўлида хурмо дарахти бўлса, уни экиб қўйсин”**, дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

Дарахтлар ва бошқа хилма-хил ўсимликлар қанча кўп бўлса, атроф-муҳит ҳам шунча мусаффо

бўлади. Бу ўз-ўзидан инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун юртдошларимиз умумхалқ ҳашарларида фаол иштирок этиб, мамлакатимизни янада обод ва кўркем бўлашга айлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Тоҳо сурасининг 53-оятда **«У Эрни сизлар учун бешик (қароргоҳ) қилиб қўйди ва унда йўлар пайдо қилди ҳамда осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан турли ўсимлик навларини ундириб чиқардик»**, дейилади.

Ҳашарда кўчалар тозаланади, кўприклар тузатилади, етим-есирларнинг ҳолидан хабар олинади, кексаларга ҳадялар улашилади. Шу боисдан ҳам халқимизнинг ушбу кўп асрлик удуми қадриятга айланиб кетган. Демак, ҳашар биргина баҳор фаслида эмас, балки ҳар доим амалга ошириладиган умумий вазифамизга айланиши лозим.

Ҳомиджон МАҲМУДОВ,

Риштон туманидаги
“Оқ мазор” жоме масжиди муаззини

“Минг ойдан яхшироқ”

Рамазоннинг энг қизғин палласи, энг буюк кечаси Қадр кечасидир. Қадр кечасининг яширилиши ҳам унинг баракотидан. Банда шу бир кечани топай деб, ўн кечани бедор ўтказди. Натижада Қадрнинг ҳам, қолган тўққиз кечанинг ҳам фазилатларини қўлга киритади.

Абу Хурайра розийаллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Қадр кечаси борасида: **“У 27-ёки 29-кечадир. Ушбу кеча Ерда фаришталар сони майда тошлардан ҳам кўп бўлади”**, дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

Ибн Аббос розийаллоху анхумодан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“У очиқ, иссиқ ҳам, совуқ ҳам бўлмаган кеча. Унинг тонгида қуёш қизғиш, заиф бўлиб чиқади”**, дедилар (Имом Ибн Хузайма ривояти).

Аллоҳ таоло Қадр кечасини: **«... минг ойдан яхшироқдир»** (Қадр сураси, 3-оят) деб хабар берган.

1000 ой – салкам 84 йилга тенг. 84 йил – тахминан 30 минг 295 кунга тенг.

Фараз қилинг, сиз 80 йил умр кўрдингиз. Бир суткада 24 соат деб ҳисобласак, шунинг қанчасини ибодатга ажратдингиз? 80 йилнинг қанчасини ибодат билан ўтказдингиз?

Бошқа ишларга сарфланган вақтингизни ҳисоблаб кўрсак, бор-йўғи беш йил ёки ундан ҳам камроқ ибодат қилганингиз келиб чиқади. Буни бир кун – 24 соатга тақсимланг-чи! Энди масаланинг яна бир аҳамиятли жиҳатига эътибор берайлик, ҳўш, шу 5 йиллик қилган ибодатларимиз тўлиқ ихлос билан адо қилинганми?! Аллоҳ таоло бу ибодатларимизни қабул қилганлигини ишонч билан айта оламизми?!

Бу муборак кеча Аллоҳ таолонинг Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам умматига кўрсатган буюк фазли, марҳамати, карами, эҳсонидир. Шу сабаб аҳли солиҳлар бу кечани бедор ўтказишга ҳар қачонгидан

кўпроқ ҳаракат қилишган. Расули акрам алайҳиссалом ҳам Қадр кечаси, яъни Рамазоннинг 27-кечасида бошқа кечаларга нисбатан кўпроқ ибодат қилар, бедор бўлардилар.

Мўминлар бу кечани бутун йил давомида интиқлик билан кутадилар. Зеро, Лайлатул Қадр солиҳ бандаларнинг орзуси, тавба қилувчиларнинг умиди ушаладиган кечадир. Зеро, ким бу кечани буюклигию фазлига ишониб, савоб умидида қоим бўлса, гуноҳлари кечирилади. Қадр Аллоҳнинг раҳмати, мағфирати ёғиладиган кечадир!

Шундай экан, шомдан бошлаб то тонггача ҳар бир лаҳзани ғанимат билайлик! Бекорчи, охиратимизга фойдасиз нарсалар вақтимизни ўғирлаб қўямасин! Аҳли оиламизга ҳам имконият яратишга ҳаракат қилайлик.

Қадр кечасининг қадрини топиш барчамизга насиб этсин!

“Рамазон соғинчи” китобидан

Тушунча

Усули фикҳ илмида бандаларнинг узри ва уларнинг зарур эҳтиёжлари сабаб чиқариладиган ҳукмлар “рухсат” дейилади.

Рухсатнинг нималигини яхши тушуниш учун “азимат”ни англаш лозим. Фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб амалларни бажариш; ҳаром ва макруҳ каби ишларни қилмаслик азимат бўлади. Масалан, фарз амаллар: намоз, рўза, ҳаж каби амалларни адо этиш, ҳамр ичиш, чўчка гўшти ейиш, зино қилиш каби ҳаром амалларни қилишдан тийилиш азиматдир.

Рухсатнинг турлари

Мужтаҳидлар “рухсат”ни тўрт турга ажратишган: **Улардан биринчиси, шариятда ҳаром қилинган амалнинг жоиз бўлиши – рухсат.**

Зарурат бўлган ҳолларда, масалан, ўлимга сабаб бўлганда инсон аъзоларидан бирининг кесиби ташланиши, қалб иймонга тўла бўлиб куфр калимасини айтиш рухсатдир. Ояти каримада бундай дейилган: **«Унинг қалби иймонга тўла. Ким иймон келтирганидан кейин Аллоҳга куфр келтирса ва кўкрагини куфрга очиб қўйса, магар мажбур бўлган кимсадан ташқари, уларга**

Рухсатнинг ҳукми ва турлари

Аллоҳнинг ғазаби келади. Улар учун катта азоб бордир» (Наҳл сураси, 106-оят).

Суннатдан далил: Мушриклар Аммор ибн Ёсирни тутиб қийноққа солишди. То у пайғамбарни ҳақорат қилиб, уларнинг илоҳларини мақтамагунига қадар уни қўйиб юборишмади. Шунда Аммор жуда маҳзун бўлиб, Расулulloх алайҳиссаломнинг ҳузурларига келди: **“Ё Расулulloх! Мен сизни ҳақорат қилмагунимча ва уларнинг илоҳларига ҳамд айтмагунимча, улар мени қийноққа солишди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Қалбингизни қандай топасиз?” – дедилар. У: “Иймонга тўла!” – дея жавоб берди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: “Агар улар сизни яна шу каби мажбур этишса, билганингиздек уларнинг қўлидан ўзингизни қутқаринг!”**

Золим ҳукмдор туфайли наҳйи мункар (ёмонликдан қайтариш)ни тарк этиши, очлик ва ташналикдан ўлиш ҳолатига тушганида ёки қўл-оёғидан ажралиш хавфи туғилганда ҳаром ўлган ҳайвон гўштини истеъмол қилиш,

фалокатдан қутулгунига қадар, рухсатга киради.

Баъзи олимлар бир ишда банданинг хавотири кучли бўлса, унинг рухсат ҳукмига кўра ҳаракат қилиши вожиб бўлади. Агар у рухсат ҳукмига амал қилмай, ўладиган бўлса, гуноҳкор бўлади, дейишган. Жонини қутқаришдан бош тортиб, ҳалок бўлиш эса, шариятда ҳаромдир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Ўзларингизни ўлдирманлар. Албатта, Аллоҳ сизларга жуда раҳмлидир»** (Нисо сураси, 29-оят), **«Ўз қўлларингиз билан ўзларингизни хавф остига қўйманг»** (Бақара сураси, 195-оят).

Уламолар “куфр” калимасини айтишга мажбур бўлган киши ҳақида бундай дейишган: “Инкор қилишга мажбур бўлган киши мажбурлашларга иймон билан чидаб, охир-оқибат ўлдирилган бўлса, ўзининг хатти-ҳаракати учун савоб олади. Уламолар бунга далил сифатида бу воқеани кўрсатишади: Мусайлама Қаззобнинг ҳузурига Набий алайҳиссаломнинг икки саҳобаси келтирилди. Мусайлама улардан бирига:

Масала

5-бетда

575-ФАТВО

Қазо рўза тутишнинг ниятини тонг отгандан кейин қилса, дуруст эмас.

“Оламгирия”, “Хулоса”

578-ФАТВО

Лайлатул Қадр кечаси Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ наздида Рамазон ойида кечади. Лекин муайян бир кечада эмас. Баъзан олдин, баъзан кейинроқ келаверади. Имом Абу Юсуф билан Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳимо наздида ҳар йили муайян бир кечада келади. Лайлатул қадр кечасини топиб, ундан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилиш мустаҳаб амаллардандир.

579-ФАТВО

Рамазон ойи тугаб, ҳайит кунининг тонги ёришиши билан фитр садақасини бериш вожиб бўлади. У икки kg. буғдой ёки майиз ё 4 kg. хурмо ёки арпа деб белгиланган. Фитр садақаси закот нисоби миқдорида бойлиги бўлган мусулмонлар зиммасига вожибдир. Бунда закотдаги каби бойлигининг ўсиб туриши (нумувв) шарт эмас. Демак, нисобга эга, лекин закот бериш вожиб бўлмаган кишилар ҳам фитр садақасини беришлари керак. Уни ўз ҳисобидан ва балоғатга етмаган фақир болалари номидан беради. Хотини, катта ёшдаги болалари ва бой фарзандлари учун бермайди. Балки улар ўзи беради. Фитр садақасини берувчи одам садақа олмайди, зиммасига қурбонлик ва яқин қариндошларининг нафақаси вожиб бўлади. Фитр садақаси ҳайит куни бера олмаган одамнинг зиммасидан соқит бўлмайди, балки кейинроқ бўлса ҳам адо этади.

“Мухтасарул виқоя”

“Минг бир фатво” китобидан

- Муҳаммад ҳақида қандай фикрдасан?
- У Аллоҳнинг Расули.
- Мен ҳақимда нима дейсан?
- Сен ҳам.

Шунда Мусайлама уни қўйиб юборди ва иккинчисига юзланди:

- Муҳаммад ҳақида қандай фикрдасан?
- У Аллоҳнинг Расули.
- Мен ҳақимда нима дейсан?
- Менинг қулоғим кар, эшитмайман.

Мусайлама саволини уч марта такрорлади, саҳоба ҳам ўз жавобида давом этди. Мусайлама уни ўлдирди¹. Воқеа ҳақида Пайғамбаримиз алайҳиссаломга етказилганида:

– Биринчиси, Аллоҳ изн берган енгиллик (рухсат)дан фойдаланган. Иккинчиси, ҳақиқатни айтибди, у нақадар бахтли!²

Манбалар асосида

Абдувоҳид ЎРОЗОВ тайёрлади.

¹ Бу саҳобанинг оти Хубайб ибн Зайд Ансорий эди. Ривоятларга кўра, Хубайб ҳар сафар “мен эшитмаяпман”, деганида, Мусайлама унинг аъзоларини бир-бир кесарди. Ниҳоят, у шаҳид бўлди.

² Имом Қуртубий, “ал-Жомий ли аҳқамил-Қуръон”, X, 189.

Ойга ким топширик беради?

Неварам Фаррух 12 ёшга кирган, рус мактабида ўқийди. Бир куни: “Дода, тонгда мен ҳам сиз билан машқ қилсам майлими?” деди. “Майли”, дедим. У хурсанд бўлиб эртаси куни саҳарлаб мен билан ҳовлига чиқди. Бирга машқ қилаётганимизда сўради:

– Дода, нега Ой мен билан юрпти? Ўнгга юрсам, у ҳам ўнгга юрпти, чапга юрсам, у ҳам чапга юрпти, тўхтасам – тўхтаяпти.

– Ой Ердаги ҳамма яхши кишиларга шундай меҳр билан хизмат қилади. Уларни кузатиб қўяди.

– Қизик. Сиз ўнг томонга юрсангиз, у ҳам сиз билан юрса. Шу пайт мен чап томонга юрсам, мен билан ҳам чап томонга юради-ку!

– Тўғри. Ой-чи, Ердаги ҳар бир киши билан улар қайси томонга юрса, сен улар билан бирга юр, Ерни эса ўз нурунг билан ёрит, деб топширик олган.

– Бутун Ер юзини ёритадиган бу чироққа ким топширик берган?

– Аллоҳ!

– Бизнинг боғчада мудира опа ҳаммага буйруқ беради. Уларга яна ким топширик беради?

– Топширик берадиганлар кўп, болам.

– Ойга ҳам улар топширик беришадими?

– Йўқ. Ойга фақат Аллоҳ топширик бера олади. Бошқа ҳеч ким.

– Аллоҳ ким? Ердаги ҳамма-ҳаммага, юлдузлару Ойга, Кўёшга ҳам Аллоҳ топширик берадими?

– Ҳа-да! Унда Аллоҳ ҳақида гапириб беринг. У ҳақида ҳеч нима билмайман-ку, дода? Билиб олай!

– Хўп бўлади, эртага сенга Аллоҳ ҳақида билганларимни сўзлаб бераман. Энди юр, ювиниб, пок бўлиб, опанг Гавҳар тайёрлаган ширин сули бўтқани мазза қилиб еб, чойхўрлик қиламиз.

Тўлқин МУҲИДДИН

Тафаккур

Бахт ўзи нима?

Ҳар бир инсон ҳаётда бахтли бўлишга интилади. Бунинг учун у ҳар нарсасига тайёр. Хўш, бахт ўзи нима? Бу саволни одамларга бериб кўрсангиз, улардан ҳар хил жавоблар оласиз. Чунки ҳар кимнинг бахт ҳақида ўз қаричи ва ўлчови бор. Мисол учун, етим учун бахт – оила бўлса, касал одам учун – соғлиқ.

Яна бир тоифа эса бахтни пулга, бойликка боғлаб тушунади. Таассуф, ҳозир бундай инсонлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Уларнинг тушунчаси ҳақиқатга қанчалик мос? Статистик маълумотларга назар солсак, “суицид”, яъни ўз жонига қасд қилиш энг кўп учрайдиган давлатлар элликтилигида иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар етакчилик қилишига гувоҳ бўламиз. Ушбу юртлар фуқароларининг моддий жиҳатдан муҳтожлиги йўқ, ҳамма нарсаси етарли. Хоҳлаган тарзда яшашлари мумкин. Ҳеч ким уларнинг эркини чекламайди. Демак, кўпчилик орзу қиладиган моддий тўқислик ҳам инсонларга бахтни ҳис қилдира олмайди.

Аллоҳ таоло Раъд сурасида марҳамат қилади: **“Улар иймон келтирган ва қалблари Аллоҳнинг зикри билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизки, Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олув”** (28-оят).

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада бизга бахт формуласини билдирди. Киши касал ҳолида ҳам, етим бўлса ҳам, камбағал бўлса ҳам бахтга эриша олади. Қачонки, у Аллоҳнинг буйруқларига бўйсуниб яшаса, ҳаётини, тушунчаларини шариат мезонларига мослаштиради. Киши Аллоҳнинг қадарига рози бўлганидагина бахт таъминоти мумкин. Ундан бошқа таъмлар ўткинчидир.

Саҳобийлар, тобеинлар ва мутааххир уламолар орасида бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бўлган. Аллоҳнинг розилигини мақсад қилганлари учун уларни фақирлик саросимага туширмади, бойлик туғёнга кетказмади. Аллоҳ таоло қалбларига ҳаловатни берди.

Ислом инсон руҳиятига сокинлик беради. Унда ҳаловат бор, роҳат бор. Ҳаётимиздаги ҳеч бир нуқта йўқки, динимиз унга эътибор қаратмаган бўлса. У барча муаммоларга ечимдир, тўғри яшаш учун қўлланмадир.

Авазбек МИРСАЙТОВ, Ўш шаҳри

Фарзандингизни ҳасадгўйлардан асранг!

Аллоҳ таоло Юсуф сурасида бундай марҳамат қилади:

«У (Яъқуб алайҳиссалом): **“Эй ўғилчам, тушингни акаларингга айтмагин. Яна улар сенга бирор ҳийла қилмасинлар. Албатта, шайтон инсонга очиқ-ойдин душмандир”**, деди» (Юсуф сураси, 5-оят).

Оятдаги “ўғилчам” сўзига эътибор беринг! Бу сўз ота-онанинг ўғлига бўлган шафқатини англатади. Зеро, мазкур сўз арабларда меҳр-шафқат маъносида қўлланилади. Ўша вақтда Юсуф алайҳиссалом 12 ёшда бўлган (Мулла Али Қори раҳимаҳуллоҳ).

Ҳасад ва хиёнатнинг чангали шу даражада кенги, ҳатто ака-ука орасидаги ришталарни ҳам узишга қодир (Имом Мотуридий раҳимаҳуллоҳ).

Ота: “Фарзандларим мендан ҳам яхшироқ яшаши керак”, деган умид билан яшайди. Аммо ака-укалар бундай қилмайди (Имом Қуртубий раҳимаҳуллоҳ).

Зеро, шайтон инсонларни ҳасад ва макр-ҳийла қилишга ундайди. Унинг тузоғига тушиб, фарзандингизни ҳалокатга улоқтирманг! (Абул Баракот Насафий раҳимаҳуллоҳ).

Ҳасадчи ва ҳийлакорлар ёмонлиги хавф солиб турганда неъматни яшириш жоиз. Зеро, Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Ҳожатларингизни беркитиш орқали Аллоҳдан ёрдам сўранглар! Чунки ҳар бир неъмат соҳиби ҳасад қилингувчидир”** (Имом Қуртубий раҳимаҳуллоҳ).

Бугун мазкур илоҳий таълим ва кўрсатмаларга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ муҳтожмиз. Зеро, интернет тармоғи ҳасадчиларнинг эътиборини тортишда мисли кўрилмаган имкониятга эга. Бундай ҳасадчилар назаридан фарзандларимизни асрашимиз лозим.

Мазкур оятда ҳатто тушунча ҳаммага ошкор қилиш жоиз эмаслиги таъкидланган. Биз эса бутун фаолиятимиз, ҳаётимиз ва оиламизни

интернет орқали дунёга ошкор этмоқдамиз!

Юқоридаги оятда неъмат ва яхшиликни ҳатто ака ёки укага ошкор этмаслик ҳақида сўз бормоқда. Биз эса етти ёт бегоналарга оиламиз, хусусан, фарзандларимизни кўз-кўз қилмоқдамиз!

Яъқуб алайҳиссаломдан ўрнак олайлик! Фарзандларимизни ёмон кўзлардан асрайлик! Ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимизга кўзларимиз қувончи бўлган фарзандларимизнинг суратини жойлашдан олдин юқоридаги оятни тафаккур қилайлик! Фарзандларингизни ҳасадгўйларга ема қилманг!

@Oqmasjid_uz каналидан олинди.

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда «Шамсуддинхон Бобохонов» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриёт муҳаррири Абдулатиф Абдуллаевга муҳтарама волидаси

Майрам БЕРДИШУҚР қизининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Аллоҳ таоло марҳума онахонни раҳматига олсин, маконларини жаннат айлсин. Фарзандларига, оиласига қилган хизматларига яраша Пар вардигор онахонни Фирдавс жаннатлари билан сийласин. Ортда қолган барча яқинлари, фарзандлари, қавму қариндошларига Аллоҳ таоло гўзал сабр берсин!

Иннā лиллāҳи ва иннā илайҳи рожиъун.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамсуддин Нури

Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

Tahrir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Jaloliddin XAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV
Muzaffar KAMOLOV

Toshkent – 100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: **Azizbek XOLNAZAROV**
Musahhiha: **Zebo OMONOVA**
Sahifalovchi: **Komiljon MAHMUDOV**
Ekspertizaga berildi: **17.03.2023**
Xulosa (№01-07/2021) olindi: **27.03.2023**
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.600
227/5-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث. لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!